


932  
0 58

# А Шеърлар БДУЛЛА РИПОВ

## Ибодат



УЗ 2  
0-58

АБДУЛЛА ОРИПОВ

# ИБОДАТ

Шеърлар,  
шеърий драмадан парча



Тошкент  
«Езувчи» нашриёти

НОВИЛОВА АМЕРИКА

ТАГІОН

©  $\frac{470260202-38}{M\ 362(04)-96}$  1-1996

ISBN 5-8255-0180-0

© Абдулла Орипов, «Езувчи»  
нашриёти, 1996 йил.

## ТИРИКЛИК

Турфа курашлардан чарчадим дейсан,  
Хизмат жонга тегди, йўқдир ҳаловат.  
Арзимас нарса деб асабинг ейсан,  
Тириклик нима бу? Ғамми, фароғат?

Қимга айтмоқдасан ҳасратингни, оҳ,  
Сен шифо сўрайсан бемордан нечун,  
Қирқ беш йил осмонга тикибман нигоҳ,  
Оддий ҳақиқатга етмоқлик учун.

Бир терн ичида минг марта озиб,  
Минг марта тўлишар жониворлар ҳам,  
Ўн беш кун жамолин кўкда кўргазиб,  
Ўн беш кун фалакда ой топар барҳам.

Бу ёруғ оламга боқсанг, аслида,  
Олий баҳт саналар ўлмайин юрмоқ.  
Баҳтдир бу — ҳаётнинг кўхна қасрида,  
Набиранг дафъатан чалса қўнгироқ.

Қимдир чоҳ ичра ҳам давронин сургай,  
Қимдир чўққида ҳам ўтга келгай дуч,  
Кўзинг очиқ эса ҳар нени кўргай,  
Бир ён дўст, бир ёнда — нафрат билан ўч.

Юз йил яшаса ҳам бечора бир зот,  
Тўймадим ҳеч дебди, бу нечук ҳикмат.  
Оҳ, қандоқ шириндир шу тахир ҳаёт,  
Оҳ, қандоқ гўзалдир шу жулдор қисмат.

## ХАТОЛАРИНГ ҚЕРАК УЛАРГА

Шундайлар бор, сенга лутф айлаб,  
Дўстман, дея қўлни тутарлар.  
Лекин ҳар зум қадаминг пойлаб,  
Хато қилишингни кутарлар.

Хато қилсанг, уларга байрам,  
Йўқса, заҳру заққум ютарлар.  
Майли жиндек, зарра бўлса ҳам,  
Хато қилишингни кутарлар.

Хатоларинг қерак уларга.  
Шох-новдангни дарҳол бутарлар,  
Тағин кунни улаб тунларга,  
Хато қилишингни кутарлар.

Ахтарурлар ҳамиша иллат,  
Еттипуштинг гўрин титарлар.  
Фақат унма, улғайма фақат,  
Хато қилишингни кутарлар.

Улар сенга бир умр йўлдош,  
Содиқ ҳамроҳ каби ўтарлар.  
Қабринг узра эгсалар ҳам бош,  
Хато қилишингни кутарлар.

## ДУНЕ

Бир кимса умрининг сўнгига қадар,  
Йиғди молу дүнё, йиғди сийму зар,

Уни қизиқтири на дўстнинг ҳоли  
Ва на қўшнисининг ўксик аҳволи.

У чиндан мол-мулкнинг жиловин тутди.  
Фақат нафс ортидан от суриб ўтди.

Бир куни ба ҳукми тақдири азал,  
Шамширин кўтариб келди-ку ажал.

Энди на сийму зар қутқара олур,  
На биллур, на гавҳар қутқара олур.

Рози ё норизо — фақат йўқ мутлоқ,  
Бундай чоқ чорасиз ҳатто дўст-ўртоқ.

Бешафқат ажалга берар экан тан,  
У деди: «Шу экан, дунё шу экан».

Марҳумга марҳумлиқ кўрилгай лойиқ,  
Уни қабристонга элтди халойиқ.

Уюм тупроқ бўлди қувончи-фами,  
Кимдир боқиб деди: «Шунга шунчами»...

## ХОТИРА

Мағрибда ёвузлик кўтаргандা бош,  
Сиз содиқ қолдингиз эзгу ниятга.  
Ёмғир ёпинчигу ёстиғингиз тош,  
Қалқон бўлолдингиз инсониятга.

Она юрт бағридан жуда ҳам йироқ,  
Ўзга манзилларда топширдингиз жон.  
Ҳануз кўксимиизни тирнайди фироқ,  
Гарчи сиз музaffer, ғолиб, қаҳрамон.

Гарчи Ватан сизни ҳамиша ёдлар,  
Лекин армонингиз сифмас қабрга.  
Ҳали туғилмаган не-не зуриётлар  
Барчаси кетдилар сиз билан бирга.

Заминда чарх урар руҳингиз бедор,  
Қолган тирикларни тинчини ўйлаб,  
Чарх урар Чотқолга термулганча зор,  
Қаршининг бепоён даштлари бўйлаб.

Озод Ўзбекистон бош эгиб бу кун.  
Шаҳид фарзандларин номини йўқлар.  
Қай бири бедарак, қай бири беун,  
Узоқ сарҳадларда жимгина ухлар.

Мангуга тинмишdir қалб туғёнлари,  
Энди хотирангиз йўлдошdir бизга.  
Халқимнинг фидойи мард ўғлонлари,  
Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин сизга.

## ҚАЙСАР БОЛА

Бор әкану йүқ әкан,  
Бир бала бўлган әкан,  
Ҳаммани сенсирашни  
У одат қилган әкан.  
Отани ҳам сен дермиш,  
Онани ҳам сен дермиш.  
Бир кун муаллим унга  
Шундай деб танбек бермиш:  
Сенсирайсан ҳаммани,  
Шу жумладан мени ҳам.  
Бундай хунук одатни  
Ташлагин энди, укам.  
Менинг бир маслаҳатим  
Натижа берар балким.  
Сиз дейман деб барчани  
Юз марта ёзиб келгин.  
Эртасига болакай  
Вазифани бажармиш.  
Айтганини юз эмас,  
Икки юз бор қайтармиш.  
Муаллим шод: «Мен сенга  
Ҳа, ишонган эдим-да»  
Бола дермиш: «Сени бир  
Хурсанд қилай дедим-да».

## АРМОН ЭМАСМИ

Лолазор қирларда чопа билмасман,  
Ахир у мен учун армон эмасми?  
Болалик йилларим топа билмасман,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Хаёл гулшанидан терсам чечаклар,  
Жажжи набирамга бўлдим эрмаклар,  
Энди онам айтмас менга эртаклар,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Қоронғу тунларда оловлар ёқиб,  
Илк шеърим ёзгандим юлдузга боқиб,  
Энди ахтараман кўзойнак тақиб,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Қанча зот дунёга келдию кетди,  
Бириң душман этса, бириң дўст этди,  
Бирининг бошига шон-шуҳрат етди,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Мени алдаб кетди лўттибоз олчоқ,  
Ишонган кишим ҳам қўрсатди яроқ,  
Уларни худога топширдим, бироқ  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Шукронда айтаман, дўстларим бордир,  
Бири балки қўрқоқ, бириси ботир,  
Яхшилик қилдимми уларга ахир,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Гоҳо эш бўлсан-да сиёсаларга,  
Қалбимни баҳш этдим малоҳатларга,  
Улар деб қолдим мен маломатларга,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

Огоҳман ишқ деган кўҳна шевадан,  
Муҳаббат аталмиш тансиқ мевадан,  
Ортга қарай-қарай қайтдим Хивадан,  
Ахир у мен учун армон эмасми?

## ДИЛ ОҒРИФИ

Кўл оғрифи босилса,  
Дил оғрифи бошланар.  
Олис хотиралардан  
Кўнгил секин ғашланар.

Тинч ўтказган бир кунни  
Эслолмайман, ё раббим.  
Тақдир қўлида ёйдек  
Эгилиб борар қаддим.

Яхши билан ёмоннинг  
Етолмайин фарқига.  
Фақат йўл излаб ўтдим  
Муҳаббатнинг аркига.

Бир қарасам, пайкондек  
Умр учиб кетмишdir.  
Билмадим, у чақин-ўқ  
Қай манзилга етмишdir.

Интилганим қайдадир,  
Мұхаббатим қаенда.  
Балки мен бу ёнда-ю,  
Қалбим эса — у ёнда.

Инсон умри шул экан —  
Йўли тўла надомат.  
Гар васлингга етказса,  
Кела қолгил, қиёмат.

Ҳаётнинг маъносин  
Бир нафасга қайтиб бер.  
Майли сўнгра барчасин  
Достон қилиб айтиб бер.

Мушкул экан бу қадар  
Эзгуликка етишмоқ.  
Ҳаёт-ку бир чистондир,  
Мұхаббат ҳам топишмоқ.

Қўл оғриғи босилса  
Дил оғриғи бошланар.  
Олис хотиралардан  
Кўнгил секин ғашланар...

## ТЕМУР

Ҳар қанча фахр этсанг арзиди, ўзбек,  
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.  
Темурбек юлдузи Олтин қозиқдек  
Чарақлар буюклар каҳкашонида.

Во ажаб, ёлғиз бир Занжирсаройнинг  
Ўчини йўрдадан ола билган зот.  
Турон деб аталмиш каттакон жойнинг  
Бағрига шунча йил сиғмабди наҳот?!

Жаҳонни мүғуллар исканжасидан  
Қутқариб қололган барлосий ботир —  
Қочолмай тақдирнинг тақозосидан,  
Фотих деб ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг улуғ бинолар мужассам бўлмиш,  
Оlamда тенги йўқ Самарқанд-ку бор.  
Темурбек жанг-жадал шавқига тўлмиш,  
Кўлида шамириу тагида тулпор.

Хукми олий билан этмиш намоён  
«Қуч бу — адолатда», деган сўзларни.  
Қон тўкмиш Жаҳонгир гоҳо беомон,  
Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.

Отани боладан тирик айириб,  
Тожи-тахт талоши қизиркан барҳо.  
Султон не зотларнинг қўлин қайириб,  
Муҳташам салтанат айламиш барпо.

## ВИЖДОН

Жаҳон шоирлари виждон ҳақида.  
Аввалдан минг-минглаб байтлар ёзмишлар.  
Виждон-ку аслида событ ақида,  
Кимлардир бу йўлдан гоҳо озмишлар.

Балки виждон дея тинмай чекиб оҳ  
Ҳайқириб юрмайди ҳар қандай одам.  
Топилгай боболар ҳикматларин гоҳ  
Шунчакни насиҳат дегувчилар ҳам.

Қай битта нарсага муҳтоҷ бўлса гар,  
Энг аввал ўшанга топинган инсон.  
Майли уммон қадар ё зарра қадар,  
Ҳар нечук қалбларда бор бўлсин виждон.

Магар кетар бўлса виждон бош олиб  
Иймон ҳам у билан бирга кўчгайдир.  
Буткул марду намард таянчсиз қолиб,  
Чоҳ узра чирпирак бўлиб учгайдир.

Девлар қутулгандек Сулаймон ўлиб,  
Бетизгин туйгулар ҳар ён юургай  
Қалб деган истеҳқом посбонсиз бўлгач,  
Энг аввал нафс унга ўзини ургай.

Ҳақиқат аталмиш равшан қуёшни,  
Очиқ дийдаларки илғамас кўриб.  
Авлиё дегайлар сўқир авбошни,  
Адолат ўрнини эгаллар фириб.

### МЕН КИМГА СУЯНГУМ

Бир куни савол берди ёшгина ўғлон:  
— Нечун оллоҳим деб йиғлайсиз нолон?  
Дедим, жавобимдан бўлмагин ҳайрон,  
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?

Тинимсиз алдаса мұхит, маконинг,  
Тортса оёғингдан дўсту ёронинг,  
Шундай ўтар бўлса ҳар зум, ҳар онинг,  
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?

Ношукур эмасман дунёда гарчанд,  
Қайдадир менга ҳам бор балки дилбанд,  
Ва лекин тириклай куйдирса фарзанд,  
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?

Инсофу ишонч ҳам ширин сўз бари,  
Тириклик тошқинтир ёки кўпкари,  
То ҳаёт экансан қочгайдир нари,  
*Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?*

Шунчалар каж эрур дунёни гардун,  
Ундан диёнатни ахтармоқ нечун,  
Падар шод ўз ўғлин бағрин этса хун,  
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?

Мингта кўз пойлайди битта жонингни,  
Жонингмас, мартабанг, балки шонингни,  
Ўт қўймай ёқарлар хонумонингни,  
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа?

## «УМР ДУЧ ҚИЛАРКАН...»

Умр дуч қиларкан кимга бир-бирни  
Таҳлил этмоқ даркор аввал тақдирни.  
Паҳлавон әмасман, күкни ер, ерни —  
Осмон айламоқни кутмагил мендан.

Ҳар пари рухсорга бермадим хаёл,  
Сен ҳам, эй дилбарим, шуни билиб ол:  
Ҳусндор әмасман, күрганларни лол,  
Ҳайрон айламоқни кутмагил мендан.

Баъзан кечирарлар ёш бўлса нодон,  
Аммо умрбўйи мен дейман шодон,  
Бойликни севмасман, яъни тиллодан  
Ҳамён айламоқни кутмагил мендан.

Истасанг, истасанг, қўшиқларим бор,  
Баъзи яхши — ёмон тўқишлиарим бор.  
Гар шеърни севмасанг, сўкишлиарим бор,  
Омон айламакни кутмагил мендан.

## ЭСЛАШ

Ҳар тонг қаршилардим сени шу йўлда,  
Билмам, қайларгадир шошиб ўтардинг.  
Илк баҳор селидай тошиб ўтардинг,  
Нигоҳсиз кимсага, на ўнгу сўлга.  
Мен дердим, бу қизнинг қайда гўшаси,  
Йўлларида унинг кимдир зормикан?  
О, у севгисидан баҳтиёрмикан  
Ва ё манзилида хазон тўшаги?  
Энди йўлларимиз тушди кўп йироқ.  
Босилди қалбдаги ўшал тўфонлар.  
Қайдасан, қалбимни тирнаган сўроқ,  
Қайдасан, илҳом бахш айлаган онлар?  
Қайдасан, мен сени унутгим келмас,  
Умр йўлларимнинг тотли дамлари?  
Бунда ўтган бир йил, қайғу ҳам ҳавас,  
Ёниш, ўртанишлар, хаёллар бари...

## ИБОДАТ

Дунёдан розиман дема ҳеч қачон,  
Десанг ҳам, сўйлагил саҳрога, тоққа.  
Чунки сени тинглаб, кимдир ўша он.  
Нега розисан, деб тутгай сўроққа.

Дунёдан норизо бўлсанг ҳам агар.  
Сўз дема, бардош қил азоб, фироққа.  
Чунки сени тинглаб, кимлардир баттар,  
Нега, деб албатта, тутгай сўроққа.

Дунё ишларига боқма ҳеч хайрон,  
Жимгина назар сол кўхна бу корга,  
Олис кечалари ёлғиз қолган он,  
Дилингни оч фақат парвардигорга.

## ИНСОН

Олдига келганни қайтармай емоқ  
Аслида, ақли йўқ ҳайвоннинг иши.  
Оғзига келганни қайтармай демоқ  
Ноқису бефаҳм, нодоннинг иши.

Таважжуҳ айлади тангри таоло,  
Муқаддас саналди инсон деган ном.  
Инсонни эътироф этмаган асно  
Иблис ҳам қувилди Аршдан батамом.

Кўзингнинг ўнгида ўсгандек экин  
Раббим ҳам огоҳdir ҳар зум ҳар ишдан.  
Рўза-ю парҳезда муддат бор, лекин  
Ҳамиша ҳазар қил ҳаром-ҳаришдан.

## ОНА

Кимдир савол берди:— Айтгил, Муҳаммад,  
Ёлғиз сен Расулсан буткул оламга.  
Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт,  
Ота-онамгами? Ехуд боламга?

Расул жавоб қилди:— Тингла, биродар,  
Гапимни уч бора қулоққа илгил.  
Имкон топа олсанг дунёда агар  
Энг аввал онанга яхшилик қилгил.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ  
Ростдан она эрур қиблаи олам.  
Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ  
Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам.

## ТАВБА

Сен гуноҳ қилдингми, бечора банда,  
Сен шайтон макрига учдингми ногоҳ.  
Тинчинг қолмадими руҳ ила танда,  
Энди надоматлар бўлдими ҳамроҳ.

Энди чора излаб, ахтариб нажот,  
Кезурсанә, дастингда на имкон, на эрк.  
Гуноҳкор кимсанинг қошида наҳот,  
Қопқалар ёпилгай, остоналар берк.

Йўқ, ҳали оламда мавжуддир шафқат,  
Йўқ, ҳали тебранур меҳр бешиги.  
Тавба қил, тавба қил, тавба қил фақат,  
Сенга очиқ фақат тавба эшиги.

## БАНДАГА СИФИНМА

Ҳеч қачон бандага сифинма, банда,  
Зулм қилса агар, золимга лаънат.  
Битта руҳ яшайди ҳар битта танда,  
Инсоннинг авлиё бўлмоғи фалат.

Гарчи бу дунёда бордир нодонлик,  
Тафаккур, Ақлнинг кошонаси бор.  
Қисматдан ҳеч кимса топмас омонлик,  
Олдинда ажалнинг остонаси бор.

Сеҳрга нечоғлик қаломинг бурма,  
Лазизроқ сўз йўқдир сўзидан ортиқ,  
Дунёда дўст излаб қанча югурма,  
Азизроқ дўст йўқдир Ўзидан ортиқ.

## ШОХ ВА ГАДО

Ногоҳ пайдо бўлди даврада гадо,  
Давра аҳли эса шоҳлар эдилар.  
Улар таажжубда қолиб шу асно,  
Гадога боқишиб:— Кимсан?— дедилар.

Бир кун пайдо бўлди даврада подшоҳ,  
Давра аҳли эса гадолар эди.  
Улар ҳам таажжуб ичра баногоҳ:—  
Подшоҳга боқишиб:— Сен кимсан?— деди.

Ғайбдан садо келди:— Тингла эй банда,  
Барчангга яратгум ягона макон.  
Бир-биринг камситиб қилма шарманда,  
Ахир иккингиз ҳам эрурсиз меҳмон.

## РИОЯ

Агар сен қиблага бурмасанг юзни,  
Беш маҳал сажда-ю, намозинг бекор.  
Жаннатга ҳеч қачон тикмагил кўзни,  
Агар бир мўминга етказсанг озор.

Ҳижратинг шунчаки саёҳат эрур,  
Ўнутар бўлсанг гар зарра иймонни.  
*Макнага етиқат борганича бўлур,*  
*Бошини силасанг ўқсик инсонни.*

Аллоҳнинг номига қасаминг абас,  
Дилингда бор эса ҳасад ҳам риё.  
Нуқсингни бехуда яширгагил, бас.  
Баридан воқиғдир Тангри таоло.

## САВОБ

Дости қисқаларни камситма зинҳор,  
Савобнинг каттаю кичиги бўлмас,  
Кимнингдир давлати бехуда бисёр  
Ва лекин баҳилдир, толеи кулмас.

Оч қолган гүдакка саховатли зот,  
Яримта хурмони дилдан илинди,  
Билгилки, бу ҳиммат шу зум, шу заҳот,  
Бус-бутун савоб деб қабул қилинди.

Демишлар савоб иш офатни түсиб,  
Эзгулик йўлига шайлангусидир.  
Энг кичик ҳиммат ҳам тойчоқдек ўсиб,  
Тулпордек савобга айлангусидир.

### ХОЖА ВА ШОИР

Қабила Хожаси шонрга бир кун  
Оқтуя мингизди, кўргизиб ҳурмат.  
Хожа ўз ишидан бўлди кўп мамнун,  
Бамисли Расулга йўлиққа уммат.

Хожадан сўрашди:— Айтингиз, жаноб,  
Улуғ бу эҳсондан недур муддао?  
Шоир-ку бир дарвиш-фақир ва ҳароб,  
Шеърига шу қадар мафтунимисиз ё?

Хожа жавоб қилди:— Бўлмангиз ҳайрон,  
Ким ҳам айри тушар ахир элидан.  
Шоирнинг шеъри-ку, ёқар бегумон,  
Мен кўпроқ қўрқаман унинг тилидан.

### СЕН ҚАБИ

Онангни отангга хатлаб берганда  
Гувоҳ бўлмаганман ишонгил, ахир.  
Боқурсан, юзингда қув заҳарханда,  
Дунёни гўёки мен этдим тахир.

Босган қадамимдан чақнамас олов,  
Даъво қилмасман ҳеч абадиятга.  
На қўрғон қурдиму на тутдим ялов,  
Доим йўлдош бўлдим оддий ниятга.

Бошни кўп қотирма сен кимсан дебон,  
Кимнинг хеш, киннингдир андасидирман.  
Үткинчи дунёда мен ҳам бир меҳмон,  
Худонинг сен каби бандасидирман.

## ОНАМГА ҲАТ

Қайтгим келди, онам, ёнингга,  
Юрагимда исмисиз дардлар.  
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,  
Ташқарида хазонрез боғлар,  
Ёмғирнинг жим хониш қилиши..  
Бариси ҳам нечундир бу дам  
Туширмоқда сени ёдимга...  
Қайтгим келди, онам, ёнингга.  
Юрагимни очиб гапирсам,  
Кам-кам бўлар менда бундай ҳол.  
Шодмон юрсам, менинг ёдимга  
Сен тушмайсан, ростдан, онажон.  
Ногаҳоний бундай ҳолда-чи,  
Шундай кўргим келади сени.  
Айтсам сенга бор гапларимни,  
Орзуларим, ҳасратларимни,  
Йифлаб, кулиб айтгим келар, ҳа,  
Одамларнинг қадру қимматин,  
Англамаймиз бирга бўлганда,  
Аммо ногоҳ узоққа тушсак,  
Ё танҳолик ҳасратин чексак,  
Баъзан шундоқ,  
Одам зотининг тирноғига зор бўламиш, ҳа!  
Тушунмайман бул ҳақиқатни,  
Сен-ку ахир онасан, она...  
Она, ранжимагил хатимдан,  
Мен ростини ёздим, шод дамим  
Сен тушмайсан асло эсимга.  
**Аммо ҳаёт ўзи, биламан,**  
**Солар сени ёдимга бот-бот,**  
Яъни, бошимизни доим ҳам  
Она бўлиб силамас ҳаёт.

## ОНАМНИ ЭСЛАБ

Шамол увиллайди,  
Қор, бўрон тошиб,  
Тепалик тўшига ўзни уради.  
У ерда тупроққа бағрини босиб  
Танҳо бир сағана маъюс тўради.  
Қошига чиқай деб бўзлаб йўл юрдим,  
Кўкрагимни тилди изғирин, тикан.  
...Нетай, онажоним, қанча одам кўрдим,  
Сендан яқин кишим йўқ экан...

## ОНА ДЕГАН НОМ

Дейдилар, қаҳрли баҳодирлар ҳам,  
Жангларда жон берар чоғи мардона,  
Беҳад азобларга чидаб сўнгти дам,  
Битта сўз дермишлар шивирлаб: Она.  
Улуғ бир донишманд оламни шарҳлаб,  
Ахийри танибди туқсан элини.  
Забон бахш этганга эҳтиром сақлаб,  
Она, деб атабди илк бор тилини.  
Дунё шоирлари Ватан шаънига  
Сифат ахтармишлар қатор ва қатор,  
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:  
Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,  
Такрор айтилганда рангизидир калом.  
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,  
Биттадир дунёда Она деган ном!

## ҲАР ҚАНДАЙ ДАМДА ҲАМ

Кўнглинг совимасин қиласар ишингдан,  
Ҳафсаланг сўнмасин ҳеч қачон,  
Маъно тополмайсан ўз турмушингдан,  
Туссиз, зерикарли кўринар жаҳон.  
Кўҳна обжувоздай айланар дунё,  
Оҳангি миянгга сассиз қуялар.  
Мингга киргандайсан ўзинг ҳам гүё,  
Келажак ўтмишинг қаби туюғар. Най  
Яшайсан номи йўқ бир дардга тўлиб,  
Томирда қонинг ҳам гүё оқмайди.  
Наинки дўст сузи, наинки маҳбуб,

Болангнинг ўхлиги ёқмайди.  
Сокин кечалари, айвонда ёлғиз,  
Олис юлдузларга боқасан түйиб,  
Улар ҳам кўзингга кўринар бу кез,  
Жуда узоқ борса, ёнарқурт бўлиб,  
Шундоқ, инсон дили ажиб муаммо,  
Койима бундайин ҳолати учун.  
Кўлингдан келса гар мадад бер, аммо,  
Ҳар қандай дамда ҳам сен уни тушун.

## ҚҮНГИЛ

Мендан кўнгил уз дейсан,  
Қандоқ қилиб узурман.  
Сендан кўнгил узган чоғ,  
Хазон каби тўзурман.  
Тош каби ё кўчгайман,  
Тоғларимни айлаб тарқ,  
Қуш каби ё учгайман,  
Боғларимни айлаб тарқ.  
Ё денгизсиз қайнадай  
Қолиб кетгум узлатда,  
Карвонидан адашган  
Кимса каби кулфатда.  
Ё ўт тушган дараҳтдай  
Ич-ичимдан ёнгайман,  
Сен бўлмасанг, муҳаббат  
Қаъбасидан тонгайман.  
Мендан кўнгил уз дейсан,  
Қандоқ қилиб узурман,  
Қандоқ қилиб бу кўнгил  
Иморатин бузурман.  
Ўзингга ҳам, азизам,  
Раҳм этсанг-чи бир қадар,  
Не бўлурин билмассан,  
Сендан кўнгил узсам гар.  
Ўйлайсанки, бир тараф  
Омон қолур, соғ қолур.  
Узилган ул жойда ҳам  
Чандиқ қолур, доғ қолур...

## УТИНЧ

Чиндан ҳам асримиз бормоқда ёсиб,  
Хар қандай күлфатга турмоқ керак шай,  
Ажабмас, бобосин бурчакка қисиб,  
Насиҳат ўқиса бирор болакай.

Ажабмас, эрта кун бир шоир укам,  
Шеърлар ёзиб юрса Сомон йўлида.  
Ажабмас, йўқолса ажаб сўзи ҳам,  
Таҳрир топса Инсон замон қўлида.

Хар кимга ўз даврин йўриғидир ёр,  
Майли, тап тортмагин сен ҳам ҳар ишдан.  
Болам, фақатгина бир ўтиńчим бор,  
Ҳазар қилсанг басдир ҳаром-ҳаришдан.

## УЗЛАТ

Менга узлат керакдир,  
Издиҳомдан тўйғанман,  
Тўда-тўда жойларга  
Энди бормай қўйғанман.  
Изтиробли турмушнинг  
Савдоси зўр бағоят,  
Инжа, нозик руҳни у  
Енгиб олди ниҳоят.  
Узлат излаб бормаган  
Жойим балки қолмади,  
Ҳеч бир гўша келгин деб,  
Оғушига олмади.  
Узлат қайдা мен учун,  
Балки йироқ элларда,  
Қадам етмас тоғларда,  
Ит яшамас чўлларда.  
Уёқларга йўлимни  
Бура олмай ҳайронман,  
Нечук ўксук бандаман,  
Нечук баҳтсиз инсонман.  
Дўсту ёрдан юрагим  
Айрилар нари-нари,  
Узлатнинг соғинчи бу,  
Ёлғизлик дарди бари,

Қай ёвуз куч дафъатан  
Солди мени бу ҳолга,  
Нечук уйғоқ идроким  
Мойил бўлди малолга.  
Замон-замон баҳона,  
Дўстлар юзин бурдилар,  
Энди улар ўзга юрт,  
Ўзга маскан қурдилар.  
Мен улардан йироқда —  
Танҳо қолдим оқибат,  
Ҳаттоки, жонзотлардан  
Безган бир дарвешсифат.  
Энди мен қаён бориб,  
Қай йўл билан кетгайман.  
Қайга элтиб оёғим,  
Қай узлатга етгайман.  
Билдимки мен, неки бор  
Бевафодир ушбу кун,  
Кечирганим-кўрганим  
Бебақодир ушбу кун.  
Менинг каби мардуд дил  
Топилгайми, билмасман,  
Гирёндирман, фафлатни  
Кипригимга илмасман.  
Мен узлатни элимнинг  
Юрагидан ахтаргум,  
Ўксукларнинг энг пинҳон  
Тилагидан ахтаргум.  
Дарвозангни чERTИB мен  
Келсам, жонажон укам,  
Ташрифимни қабул эт,  
Мехмоннавоз, эй бекам.  
Юз ўгирма, бу йўлчи  
На қувонч, на кулфатдир,  
Унинг ёлғиз илинжи  
Узлат эрур, узлатдир...

## ШАЙТОН

Лаънатлаб бўлса ҳам, қарғаб  
бўлса ҳам,  
Ҳар кун тиловатда айтилар номи.  
Унинг бош суқмаган жойи камдан-кам,  
Ичилган ҳар қадаҳ унинг ҳам жоми...

Дейдилар, нораста гўдакни ҳатто  
Уйқуда қитиқлаб кулдирап эмиш.  
Салгина ғафлатда қолсанг мабодо  
Қилмаган ишингни қилдирап эмиш.

Шайтоннинг ҳунари чиндан ранг-баранг,  
Саллани пайтава қилиб ўратгай.  
Агар сидқидилдан кўрсатса найранг,  
Нодонни шоҳ қилиб, юртни сўратгай.

Минода Шайтонни қилдик тошбўрон,  
Лаънатга кўмилди бадбаҳт у лани.  
Дедик, шунча юкнинг остидан Шайтон  
Минг йиллар чиқолмай ётмоғи тайин.

Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,  
Шайтон қолди, дея чуқурда-чоҳда.  
Манзилга қайтгандик, Шайтон,  
во ажаб,  
Бизни кутиб олди тайёрагоҳда.

## УМР

Инсон туғилади асли белибос,  
Бир парча эт бўлиб келар жаҳонга.  
Либосу ҳашамдан бўлгай у ҳалос,  
Кетар чоғида ҳам сўнгги маконга.

Лекин, ўртадаги умр-чи, умр...  
Ўчмас тамға бўлиб қолгай то абад.  
Балки ёғар унга раҳмат деган нур,  
Балки кўмар уни маломат, нафрат.

## БЕГОНАЛИҚ

Ей ўқи камондан қошади йироқ,  
Тоғлардан қочади дарё ва булоқ.

Булутлар бағридан қочади ёмғир,  
Сукунатдан қочиб шамоллар санғир.

Нафис чечакларнинг хушбўй атри ҳам  
Фунчалар қўйнидан қочар дамодам.

Гар тўлқин бўшлиққа қучогин очар,  
Ваҳший қояларга бош уриб қочар.

Бургут панжасини ердан узган он,  
Товушқон қочади бутазор томон.

Огоҳ бўлсанг агар олам сиридан,  
Дунёлар ҳам қочар бири-биридан.

Шу тахлит яшайди буюк коннот,  
Манзилин тополмас идроксиз ҳаёт.

Бироқ йироқ тушса инсондан инсон,  
Бу ҳолнинг шарҳига не дейсан, эй, жон!

Она фарзандига қучогин очса,  
Фарзанд-чи, онадан минг фарсаҳ қочса.

Қочса бир-биридан ўғил ҳам падар,  
Ёдини унутган телбалар қадар,

Дўстлар бир-биридан қочсалар зимдан,  
Бош олиб кетгудек шаҳри азимдан.

## ҲАСРАТ

Қочган ҳам, қувган ҳам  
Аллоҳим дейди,  
Қочган ҳам, қувган ҳам  
Эмасман, дўстим.  
Менинг изтиробим шул эди,  
Инсондан ўзгани демасман, дўстим.

Инсон-ки то ҳануз ваҳший ва ғаддор,  
Бир-бирин тинимсиз қулатар чоҳга,  
Бундайин қисматга кўникоқ душвор,  
Нетай ҳасратимни айтгум Аллоҳга.

## ҲОЖИЛАР

Ҳалоллик Исломда энг олий матлаб,  
Тўғрилик Муслимнинг асл гултожи,  
Бир куни ўртада Шайтон оралаб,  
Ҳожининг ҳамёнин урди-ку, ҳожи.

Қайси бир ўлкадан келган кекса чол,  
Бор-йўқ бисотидан бўлди мосуво.  
Не қилсин? Чорасиз тураберди лол,  
Дилида шукрана, тилида дуо.

Ўғри ҳожи эса мамнун ишидан,  
Тинмайин саждага эгилар боши.  
Нобакор банданинг бу қилмишидан  
Бадтароқ қорайди Каъбанинг тоши!

\* \* \*

Эҳром кийиб олган икки мусулмон  
Бир-бирин сўкишиб чой талашарди.  
Асли билмасдилар, шу зум икковлон  
Дўзахнинг тубидан жой талашарди.

\* \* \*

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан  
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.  
Адаша-адаша Маккани топдинг,  
Энди адашсанг гар қайга боргайсан.

## ИСТИҚЛОЛ ҚҰШИҒИ

Мурувату маърифатдир буюкликтинг нишонаси,  
Қадам қўйинг, мана сизга асл йўлниг останаси,

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,  
Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Минг-минг шукур, келиб даврон истиқлолга эришдик  
Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдик биз,

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,  
Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Иймон нури оқиб турар бир гавҳар бор қонимизда,  
Не-не буюк боболарнинг бардоши бор жонимизда,

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,  
Замон келди, Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконимиз,  
Етишгаймиз келажакқа, покизадир виждонимиз,

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,  
Замон келди, Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

## ДОРУЛФУНУНИМ

Агар дафъатанда ўтларда ёнсам,  
Албатта ўртаниб сен ҳам ёнгайсан.  
Эзгулик йўлида магар қувонсам,  
Шубҳасиз энг аввал сен қувонгайсан.

Демакки падарсан менга меҳрибон,  
Демакки онамсан, ёп-ёрүғ куним.  
Мададим теголса сенга бирор он,  
Бахтили бўлар эдим, дорилфунум.

## СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Үйғонгувчи боғларни кездим,  
Топай дедим қирдан изингни  
Ёноғингдан ранг олган дедим —  
Лолазорга бурдим юзимни,  
Учратмадим аммо ўзингни,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан залворли тоғлар  
Хаёлимни келдилар босиб.  
Кечди қанча интизор чоғлар,  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Унгурларда сакрайди оху,  
Наъматакда саъва миттижон.  
Қорликлардан сипқорилган сув  
Дараларда уради жавлон.  
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун Наврӯзи олам,  
Дўстларимга гуллар тутарман.  
Қайлардасан, севгили эркам...  
Қўлимда гул, сени кутарман,  
Умрим бўйи чордаб ўтарман;  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни,  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.  
Аслида, дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки қуёшлими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,

Нечун ардоқларман тупроғини мен,  
Үпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан»  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,  
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!

Хўш нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиласман она халқимга.  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?  
Ватанлар, Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангалик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

## УЛҒАЙИШ

Бебош эдим бир вақтлар мен ҳам,  
Бўшамасди ўйиндан қўлим.  
Кўп насиҳат қиласади отам:  
— Бир озгина оғир бўл, ўғлим.  
Катта бўлиб қолдинг ҳар қалай,  
Тутиб олгин ўзингни энди.  
Ипллар ўтди, санқидим талай.  
Тутиб олдим ўзимни энди.  
Энди шўхлик қаёқда дейсиз,  
Юришларим сипо ва ўйчан.  
Суронларга боқаман фарқсиз,  
**Бир маҳаллар чопардим шўхчан.**  
**Минг ўйлайман сўзлар сўзимни,**  
Оқибатин кўрар кўзларим.  
Авайлайман доим ўзимни,  
Ёш эмасман ахир, дўстларим,  
Керак бўлиб қолар бир куни,  
Ҳеч кимсани ёмон демасман.  
Кўрқоқ деманг, дўстларим, мени,  
Энди ахир гўдак эмасман...  
Энди дилда ҳокимдир тоқат,

Хурматни ҳам ўргандим, мана:  
Мен онамни сен дердим бир вақт,  
Энди бўлса Сиз дейман, она...  
Етакламас энди туйғулар...  
Турмушимда қатъий қоида.  
Бир вақт мени бола дердилар,  
Энди бўлса ҳурмат жойида.  
Ишлар шундоқ юришса, қаранг,  
Арбоб бўлиб қолгум эрта-кеч,  
Тутиб олдим ўзимни аранг.  
Энди қўйиб юбормасман ҳеч.

## ТАБИАТ

Узоқларда қолди туғилган уйим,  
Ажиб болалигим қолди узоқда.  
Қолди ҳаммомпишга кўмилган ўйим.  
Қолди сингилларим бари йироқда.  
Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
Уша йилларимнинг оташ сеҳрини.  
Кўмсаб талпинаман гоҳи-гоҳи дам  
Мунис сингилларим маъюс меҳрини,  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Сингил бўла қолгил, менга, табиат.

Ақлим танидиму қошимда шу кун,  
Жасур акаларим сафини кўрдим.  
Уларнинг бари ҳам ботир ва дуркун,  
Мен улар сафига шеър билан кирдим.  
Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
Уша давраларнинг оташ сеҳрини  
**Кўмсаб талпинаман гоҳи-гоҳи дам**  
Жасур акаларим ажиб меҳрини.  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Ака бўла қолгил менга, табиат.

Үтган кунларимга боқиб мунтазир,  
Софинчдан ёнади ёнган бу жоним.  
Афуски, ёнимда эмассиз ҳозир,  
Донишманд устозим — сиз, отажоним.  
Энди мен эслайман, кўзларимда нам,  
Ҳикматли сўзларнинг оташ сеҳрини.  
**Кўмсаб талпинаман гоҳи-гоҳи дам,**

Донишманд отамнинг шафқат, меҳрини.  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Ота бўла қолгил менга, табиат.

Мен азиз онамни тупроқقا қўйдим,  
Ҳали тинган эмас кўздаги ёшним,  
Олис кечалари ҳижронда куйдим,  
Энди қай сийнага қўяман бошим.  
Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
Она деган сўзнинг қайтмас сеҳрини.  
Қўмсаб талпинаман ҳар зум, ҳар қадам  
Онам оғушини, онам меҳрини.  
Шундай пайт ҳам ўзинг айлагил шафқат,  
Она бўла қолгил менга, табиат.

### ЁЗАЖАҚМАН

Дўстлар, демангиз, мен шеъру достон ёзажакман,  
Мен шеъру достон ичра бир афғон ёзажакман.  
Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,  
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон, ёзажакман.  
Шоир дилига қилма ҳавас, бут эса бағринг,  
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.  
Солди дилима қанча алам ул шўхи бадхў,  
Билмамки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман.  
Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпdir,  
Хўбdir бариси, равшани — чўлпон ёзажакман.  
Сен шеърга қўлинг чўзмагил, эй жоҳили нокас,  
Бўлсанг-да худо: номингни шайтон ёзажакман.  
Бошингга агар қўнса шу кун шарпац иқбол,  
*Пойингга элим*, бош уриб қуръон ёзажакман.  
Қулдир демангиз гарчи номи Абдулла эрурман,  
Расул ҳам эмас, йўқ ҳали унвон ёзажакман.

## ЮРТИМ ШАМОЛИ

Йўлларда елдирим мисоли елдим,  
Еллар водийсига бошлади ҳавас.  
Елвагай Ҳисорнинг бағрига келдим,  
Сен эсдинг — таралди сийм танда атлас,  
Сен эсдинг — очилди ёрнинг жамоли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Мен-ку, бу дунёда бир зори висол,  
Карбало даштида Мажнун сифатман.  
Шамоллар ичида мен ҳам бир шамол,  
Чечаклар атридан мен ҳам сармастман.  
Лекин сен руҳимнинг мангу хаёли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Қанча шамолларга юзимни бурдим,  
Улардан эсдилар турфа хил нафас.  
Уларда гоҳ қайғу, гоҳ шодлик кўрдим,  
Тўхтамай ўтдилар бари ҳам бирпас.  
Фақат қайғулардан сен ўзинг холи,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,  
Шамоллар гоҳ қуюн, гоҳида довул.  
Улар гоҳ ошкора, гоҳо рӯёда  
Қанча бўстонларни совурган буткул.  
Лекин сен бўймагин боғлар заволи,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Эсгин, эй боғларнинг жамоли кулсин,  
Мовий нафас билан тўлсин этаклар.  
Учқур қўшиқларга бу олам тўлсин,  
Шаънингга шоирлар айтсин эртаклар.  
Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Мени чорлаётир олий бир жамол,  
Билмасман, оҳ унга қачон етурман.  
Бу гулшан водийда мен ҳам бир шамол,  
Шамол каби келдим, шундай кетурман.  
Лекин Абдулланинг боқий камоли —  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

## ҚУТЛОВ

Ииллар ўтаётир пояма-поя,  
Ииллар — умидларга оташин чароғ.  
Замон-ку фазода билмас ниҳоя,  
Үтган фурсатлар ҳам қайтмагай бироқ.

Умрдан йил ўтса, яширмоқ нечун,  
Юрак симоб янглиғ титрагай ҳар гал.  
Устоз лутф этгандай, ҳар фурсат учун,  
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Кечган ҳар онгингга назар солсанг гар,  
Шоирнинг шоҳ сатри раводир балким,  
Олтин уйди ахир фазолар қадар,  
Менинг бобо юртим, азamat халқим.

Ҳали офтоб ишга шимармасдан енг,  
Ҳали Зуҳро кўқдан боққанда яккаш,  
Туманли далалар қўйнида кездинг,  
Менинг сингилгинам, муnis, жафокаш.

Сенинг меҳнатингдан тупроқ очиб зар,  
Ватаним беқиёс бўстон бўлгуси.  
Сенинг шавкатингни ёзаверса гар,  
«Шоҳнома» янглиғ бир достон бўлғуси.

Мадҳу санолардан хижолат каби,  
*Кизларнинг ёноги ёнади гулгун,*  
Бу кўҳна оламнинг ҳар тўрт тарафи,  
Не ажаб, қутласа сизларни бугун.

Бунчалик шон-шуҳрат учрамас тайин,  
«Минг бир кеча»ларнинг афсонасида.  
Юртим, сени яна қутлаб қўяйин,  
Қутлуғ Янги йилнинг остонасида.

Мангулик водийси узра билмай ҳад,  
Ииллар-ку югурик ел каби ўтгай.  
Халқим, юксалавер офтобдай баланд,  
Қутлуғ замон сенга елкасин тутгай.

Сенинг шавкатингни улуғлаб юрсин,  
Буюк анжуманлар, олтин сатрлар.  
Тегрангда лоъ қотиб, бош эгиб турсин,  
Үтган ва ўтажак йиллар, асрлар.

\* \* \*

Келдим қошингизга чопиб, энтикиб,  
Майсага бурканган тоғ этаклари.  
Уч ой йўлингизда ётдим кўз тикиб,  
Эй, баҳор бекачи — май чечаклари.  
Гарчанд юрагимга гул рухсоридан  
Хазон япроқлари энди яқинроқ.  
Ҳар нечук қиши фаслини тунд дийдоридан  
Жажжи капалакнинг васли ширироқ.  
Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда,  
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.  
Шамол шовуллайди қадим боғларда,  
Буюк, кўҳна дунё кўпчииди оғир.  
Мен унинг қўйнида қездим сабодай,  
Қорлардан лоларанг оловлар ёқдим.  
Бир зум шаҳаншоҳлик теккан гадодай,—  
Умр ўтар, дедим дунёга боқдим.  
Қучоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга,  
Туманли туғулар босмасин оғир.  
Илтифот қилмасак жажжи баҳорга,  
Нуроний куз билан сийламас ахир.

\* \* \*

Болалик йилларим эслайман оз-оз —  
Босиқ уйқу ичра ётганда олам,  
Тонглар қулоғимга келарди овоз;  
«Faflatda ётмагил, эркатой болам».  
У жажжи баҳорнинг шўх саси эди,  
У мунис онамнинг нафаси эди.

Йиллар ўтди, бир оз улғайдик, бу кун —  
Ватан хизматига бир қадар дастёр.  
Оlam ташвишидан юракда тўлқин,  
Ватан қудратидан қалбда ғуур бор.  
Энди сен чорласанг, токи танда жон,  
Лаббай деяjakман, Ватан — онажон.

## ИККИ СОНИЯ

Үйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,  
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.  
Инсон юрагини тилкалар азал,  
Шу икки нарсанинг буюк армони.  
Биридан бошланар шу ёруғ олам,  
Дунёга қўйилгай остонаядан от.  
Уйдан боши эгик чиқдими одам,  
Уша кун тор унга буткул коинот.  
Йигитнинг бир умри дўст билан бутун,  
Дўст билан шириндир заққум ҳаёти.  
Дўстдан панд еган чоғ не бор унинг-чун!  
Бад унга ҳаттоки бор инсон зоти.  
Буюк шиддат билан жўшаркан ҳаёт,  
Шу икки нарсага биз гоҳ бепарво,  
Шу икки сония ҳамдам бўлган зот,  
Менинг назаримда, энг азиз сиймо.

## ИИЛЛАР АРМОНИ

Қимгадир яхши гап айтдик, биродар,  
Қимдир бир умрга ранжиб ҳам кетди.  
Куни кечা ёш дердик ўзни бир қадар,  
Бугун-чи, балоғат пайти ҳам етди.

Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт,  
Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар.  
Қимгадир айтилгай қолган бир раҳмат,  
Қимдандир сўралмай қолган узрлар.

Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,  
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.  
О, ийллар армони, ийллар армони,  
Армон кўрмадим мен сиздан буюкроқ.

Инсонга тобемас, замон, инчунун,  
Инсон юрагида аламлар қат-қат.  
Фақат бир таскин бор, барчаси учун  
Афсус чекабилсанг — шу ҳам бир давлат.

## ИЗХОР

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,  
Қанча манзилларда туздим ошён.  
Ва буюк ҳикматга ахир юз бурдим,  
Сийланган жойида аэиздир инсон.

Юртим сенда экан насибам тугал,  
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.  
Сен онам, сен синглим, ёримсан, азал,  
Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,  
Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.  
Менсиз ҳам мукаммал экан бу олам,  
Менсиз ҳам бахтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,  
Болангдай эргашиб кета олсан бас.  
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,  
Сени танимаган мени ҳам билмас.

## ОНАЖОНИМ ШЕЪРИЯТ

Ҳамдам бўлдинг мён билан  
Ҳар қандайин кунларда,  
Юлдуз бўлдинг чароғон  
Энг қоронғи тунларда,  
Сұҳбат қурдик гоҳ шодон,  
Гоҳо ҳазин унларда,—  
Энг олий бахтим менинг  
**Онажоним, шеърият,**  
**Топган тож-тахтим менинг**  
**Жонаажоним шеърият.**

Сен билан бақамти то  
Бу оламда юрдим мен,  
Турфа хил инсонларни  
Ҳам танидим, кўрдим мен,  
Дўстлар билан гоҳ шодон  
Давронимни сурдим мен,  
Энг олий бахтим менинг  
**Онажоним, шеърият,**  
**Топган тож-тахтим менинг**  
**Жонаажоним, шеърият.**

Эсингдами, азизим,  
    Үтди қанча довонлар,  
Үтди қанча түфөнлар,  
    Үтди қанча ёблолар.  
Яхшиликтан сүз очдик  
    Гоҳ дуч келса ёмонлар,  
Энг олий бахтим менинг  
    Онаажоним шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
    Жонаажоним, шеърият.

Ҳамдам бўлиб сен билан  
    «Ҳамса»дан сабоқ олдим,  
Иироқ-йироқ юлдузлар  
    Сехрини дилга солдим,  
Меҳмон эмас, қасрингда  
    Балки бир умр қолдим,  
Энг олий бахтим менинг  
    Онаажоним шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
    Жонаажоним, шеърият.

Ҳар қисматга ҳар кимнинг  
    Даврони сабаб бўлгай,  
Шеър ун чекса шоирнинг  
    Армони сабаб бўлгай,  
Мен фаҳр этсам, умримнинг  
    Ҳар они сабаб бўлгай,  
Энг олий бахтим менинг  
    Онаажоним, шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
    Жонаажоним, шеърият.

Гарчи мушкул кўп бўлди  
    Мўъжаз менинг муҳитда,  
Зуҳур этдим барчасин  
    Ҳасратли бир сукутда,  
Ҳақ йўлин топдим лекин  
    Сен билан ёнган ўтда,  
Энг олий бахтим менинг  
    Онаажоним, шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
    Жонаажоним шеърият.

Англадимки, оламда  
Юрт танҳо, Ватан танҳо.  
Банд этган хәёлимни  
Тенгсиз шул чаман танҳо,  
Нокаслар эмас, йўқ, йўқ,  
Ёлғиз сен баланд, танҳо,  
Энг олий баҳтим менинг  
Онаажоним, шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
Жонаажоним, шеърият.

Умид ёрким, етгаймиз  
Сен бирлан йироқларга,  
Мақсадим ёқиб турган  
У нурли чироқларга,  
Дуч келмасак бас энди  
Турфа хил фироқларга,  
Энг олий баҳтим менинг  
Онаажоним, шеърият.  
Топган тож-тахтим менинг  
Жонаажоним, шеърият.

Ҳақ сенга мурод ўлсин,  
Шавкатинг на зар, тилло  
Ҳақ деганинг умри ҳам  
Ҳақ каби узун, илло,  
Бошин эггай ҳамиша  
Остонангда Абдулло,  
Энг олий баҳтим менинг  
Онаажоним, шеърият,  
Топган тож-тахтим менинг  
Жонаажоним шеърият.

## ДУНЁНИ ҚИЗҒАНМА

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Мен сенинг күчангдан ўтмасман зинҳор.  
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим  
Ва ўзим сифинар мозорларим бор.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.  
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,  
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ,  
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,  
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ.

## ИШОНЧ

Табиат, ишончдан айирма сира,  
Айирма, ўчмасин дилдан шукуҳинг.  
Бенишон йўқолиб кетгандан кўра,  
Яхши-ку, тентираб юрса гар руҳинг.

Тимқора осмонга ой чиқса дилбар,  
Заминга тўкилса нури сар-сари.  
Булутлар ортидан боқолсанг агар.  
Абадий йўқликдан афзал-ку бари.

Сен юрган боғларни бахтга тўлдириб,  
Сайр этса шомларда дўст ила ёрон.  
Уларни ўргулсанг шаббода бўлиб,  
Ахир бу толенинг нимаси ёмон.

Бир куни фарзандинг ўксик дилида  
Үйғонса ғамларни енгган муҳаббат.  
Капалак мисоли учиб йўлида,  
Сен уни қутласанг, ахир бу не бахт.

Ғамгин ва беиқбол ёринг оҳ уриб  
Болишга бош қўяр, кўзёши тахир.  
Сен унинг тушига билдиримай кириб  
Тасаллօ беролсанг, саодат ахир.

Сен-ки, хор вужудни бир кун, табиат,  
Юлқиб оларкансан дилбар ҳаётдан,  
Мени шу ишончдан айрма фақат,  
Айрма сен мени шул бир бисотдан.

## ОЛОМОНГА

Машраб осилганда қаёқда эдинг?  
Лорка отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё,  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан эй, сен — оломон?!

## ҚОНУНИЯТ

Оқшом бароқ мушук лабини ялаб  
Үйқуга кетади сиқчонни ўйлаб.  
Сассиз қанот қоқар бойқуш *тунлари*,  
Эс-хушида фақат қушнинг инлари.  
Тулки тўқайларда изғийди гирён  
Хаёлида унинг товуқ ё қуёни.  
Бургут юксакларда қанот қоқади,  
У ҳам ўлжа излаб тубан боқади.  
Бу-ку табиатда қонундир азал,  
Фойдасиз бу ерда ахтарсанг масал.  
Лекин оламда бор ўзга бир ҳолат,  
Уни шарҳ этолмас ҳеч кимса,

ҳеч вақт.

Оҳ, фақат одамзод — фарзанди башар  
Бир-бирин маҳв этиш қасдида яшар.

## СИЗДАН НИМА КЕТДИ

Гарчи, яшамадим бенқбол, нигун,  
Гарчи, давраларим нурлик, оташлик,  
Нега, менинг дилим, титрайсан нечун,  
Нечун юрагимни тирнайсан, ғашлик.

Не бу, эрта кетган ёшлигимми бу,  
Ёки дўстларимдан орттирган ҳасрат?  
Не бу, қандайин ҳис, қандайин түйғу,  
Қандай номсиз меҳр, исмсиз нафрат?

Кирқ йил ҳам ўтибди мисли бир дамдек,  
Қолгани не кечар — менга ноаён.  
Вайрона тагида мажруҳ одамдек,  
Тирманиб яшайман ҳаётга томон.

Сиздан нима кетди, эй дўсти азиз,  
Софинманг менга ҳам бир зум ёмонлик.  
Мендан нима кетди, сизга ҳам чексиз  
Саодат тилайин, тилай омонлик.

## ШОИРА ЗУЛФИЯ ОПАМИЗГА

Ўтган йиллар учун чекманг хижолат,  
Узр сўрайберманг юрагингиздан.  
Хижолатин тортсин ўзи табиат,  
Табиат узрини сўрасин сиздан.

Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан,  
Буюк асримизнинг сиз ҳам нақлисиз.  
Даврга гоҳ қувонч, гоҳ алам билан,  
Баҳо бермоқлилка сиз ҳам ҳақлисиз.

Табаррук бир ёшга етибсиз Омон,  
Аллоҳим кун берса адоги бўлмас,  
Агар юракларни забт этса инсон,  
Ундейин умрнинг саноги бўлмас.

Қоронғу тунларда оловли сўзни,  
Кимки машъял қилса толе унга ёр.  
Бахтли аёлман деб атабсиз ўзни,  
Сиздай шоири бор ҳалқ ҳам бахтиёр.

## СОҲИБҚИРОН

(Ангора яқинидаги тепаликда Темур ҷодири. Ташқаридан ғовур-ғувур, отлар кишинаши, филлар наъраси эшитилиб туради. Ҷодир ичида таҳтда Амир Темур. Унинг атрофида шаҳзодалар, амирлар, лашкарбошилар).

Шайхулислом

Олампаноҳ, изн беринг.

Темур

Гапиринг, ҳазрат.

Шайхулислом

Кечакунда мунажжимлар — ахтаршунослар  
Юлдузларнинг ҳолатига обдон боқишиб,  
Хосиятли топишибди бугунги кунни.

Темур

Қутлуғ таъбир.

Аммо бугун Боязид билан

Амир Темур жангга кирап.

Мунажжимлармас.

Шайхулислом, билиб қўйинг ҳасратимни Сиз.

У ҳам муслим, мен ҳам муслим.

Бу не кўргулик.

Шайхулислом

Гап шундаки, муслимликдан Боязид йироқ,

У Мария исмлек бир насоро қизни

Никоҳига олиб қўймиш.

Сиз — асл муслим.

Темур

Жанг тақдирин ҳал этажак шу жиҳат,

Иншооллоҳ.

Худо менга мададкор бўлгай!

Шайхулислом ва бошқалар  
Иншооллоҳ, Иншооллоҳ!

Темур

У ҳам туркий, мен ҳам туркий.  
Бу не густоҳлик!  
Самарқанддан етиб келган менинг лашкарим  
От суради акаси ё укаси томон,  
Юрагимни ўртар бу ҳол.  
Лекин мажбурман.  
Ҳар қандайин муҳораба олдидан доим  
Аллоҳимдан мадад сўраб, ёлбораман мен.  
Шайхулислом, зафар тилаб тиловат қилинг.

Темур

(Шайхулислом тиловат қила бошлиайди)

(Шаҳзодалар, амирларга)

Шунқорларим,  
Улуғ жангга кираётирсиз.  
Ўнг қанотни топширгайман сенга, Мироншоҳ,  
Сўл қанотни бошқарасан Шоҳруҳ Мирзо Сен!  
Самарқанддан лашкар билан мадад бергани  
Етиб келар амирзода Муҳаммад Султон.  
Обонғортни фақат ўзим назорат қилгум.  
Хозиргача маълум бўлган хабарга кўра  
Жангга чиқмиш ёв тарафдан тўрт юзминг лашкар.

Шаҳзодалар, амирлар

Олампаноҳ, Аллоҳдану Сиздан куч олиб  
Ҳар қандайин ёғийни ҳам тор-мор этгаймиз.

Темур

Болаларим, бу оғир жанг.  
Билинг, бу жангда  
Румонинг ўз лашкарлари ҳимоядадур.  
Улар ахир ўз юртларин қўриқлагайлар.  
Ўйлаб кўринг,  
Агар улкан бир қайрағочга  
Ўзга жонзод яқинлашса,  
Ўша заҳоти  
Қайрағочда ошён қурган жамъи парранда  
Чийиллашиб, чувиллашиб жангга шайланар.  
Аммо Румо ерида мен ўзга эмасман,

Мен мусулмон амириман!  
Насабим туркii!  
Адолат ва дини Ислом посбонидирман.  
Фармонимга қулоқ тутинг.  
Бизким, мулки Турон,  
Амири Туркистонмиз.  
Бизким, миллатларнинг  
Энг қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош бўғинимиз.  
Аллоҳ Сизга мадад бериб, Зафар ёр бўлсин!  
Нақоралар чалинси.  
То еру осмонни.  
Бизнинг лашкар суронлари чулғаб олсинлар.  
Ёғийларни таҳликага солсин бу сурон.  
Наърамизга жўр бўлсинлар жанговар филлар.  
Ясовуллар ҳар дақиқа менга пайдар-пай  
Етказишиб турадилар жанг тафсилотин.  
Саркардалар, Сизга рухсат  
Аллоҳу акбар!  
(Амирлар, саркардалар чиқадилар.  
Темур эшикбои — ясовуяга)  
Энди эса чорланг буён Аловиддинни.  
У бетимсол бир истеъдод, шатранж устаси.  
Самарқанддан атай уни олиб келганман,  
(Аловиддин киради)

### А л о в и д д и н

Оlampanoҳ, чорламишсиз...

### Т е м у р

Ха, Аловиддин,  
Сен билан биз неча йилки шатранж сурамиз.  
Аммо билки, бу галгиси бошқача ўйин.  
Бу — бошқа жанг! Доналарни тер, Аловиддин.  
(Аловиддин шатранж доналарини теради. Темурда  
оқ доналар)  
Эшигтансан, Аловиддин,  
Ёшлик чоримдан  
Мен шатранжға ишқибозман.  
У нозик ўйин.  
Уни тенгсиз санъат дея таъриф этарлар.  
Бироқ шатранж ўхшар кўпроқ жанг санъатига.

### А л о в и д д и н

Қани, юринг, олампаноҳ.

## Темур

Юрди, сипоҳим,  
Қани олға, пиёдалар,  
Зафар ёр бўлсин.  
(Чодир ташқарисидан жанг садолари баралла  
эшитила бошлайди).

## Аловиддин

Шоҳ сипоҳин бизга қарши йўналтирдингиз,  
Каминанинг сипоҳи ҳам анои эмас.

## Темур

Ҳозир нечун жанг қилмоқда пиёдаларим,  
Ҳабар келиб қолур ҳозир у томондан ҳам.  
Жуда оғир жанг кетмоқда чодир ортида.  
Инишооллоҳ, енгажакман!  
Сен — Аловиддин,  
Фақат шатранж соҳасида жаҳонгириларсан,  
Бизнинг эса чекимизга бошқа юк тушган.  
Бизнинг учун улкан замин шатранж тахтаси.  
Фолибнинг ҳам мағлубнинг ҳам турғон қартаси  
Қон тўла бир ҳовуз эрур!..  
Мамот жангги бу.

## Аловиддин

Сиздек буюк истеъоддога тараф йўқ асло,  
Шатранждада ҳам бетимсолсиз.  
Иқрорман, ҳазрат,  
Аммо менга изн беринг, бир саволим бор.

## Темур

Айт, Аловиддин!

## Аловиддин

Шу аснода улуғ бир жанг давом этмоқда,  
Сизнинг ғолиб бўлмоғингиз гарчи муқаррар.  
Лекин, ҳазрат, Сиз мен билан чодир ичида  
Шатранж ўйнаб жанг мақомин кузатмоқдасиз.  
Бир қарашда бепарводек,  
Ҳатто совуққон.

## Темур

Мен биламан, Аловиддин, ўз қудратимни,  
Рақибимни довдиратар бу усулим ҳам.

Аловиддин

Усулми бу?

Темур

Фоят зёр усул!

Одамларим аллақачон Рум султонига  
Менинг шатранж ўйнай туриб жанг қилишимни  
Етказдилар!

Боязидни таҳлика босди!

Душманингни бундан ортиқ камситиб бўлмас.  
У гўёки филга қарши чиққан кучукдай  
Алам билан ангиллагай.

Ясовул.

(Киради)

Аълоҳазрат, пиёдалар нобуд бўлмоқда.

Темур

Аттанг, аттанг.

Ўз кучига ортиқ ишонса,  
Faфлат босиб қолгусидир ҳатто филни ҳам.

(ҳам Ясовулга, ҳам Аловиддинга).

Тўлғамо деб аталгувчи бир йўлни миз бор,  
Етказингиз ўнг қаноту ҳам сўл қанотга,  
Мироншоҳу Шоҳруҳ Мирзо икки тарафдан  
Ёғийларни ўраб олсин!

Обонгортда мен!

Аловиддин, шоҳга қарши ҳужум бошладим.

Ясовул

(Яна киради)

Олампаноҳ, ёв лашкари тўп-тўп бўлишиб,  
Биз томонга ўтаётир.

Темур

Шоён яхши гап!

Улар асл мусулмондир, зиён етказманг.

Аловиддин

Аълоҳазрат,

Ҳар иккала майдон ичра ҳам,  
Фоят қизғин тус олмоқда жанговар  
санъат.

## Темур

Лашкарларим урҳо-ур деб жанг майдонида  
Найза билан, қилич билан ва камон билан  
Ёв сафларин қириб борар ҳозир аёвсиз,  
Мен ҳам ҳозир улар билан руҳан биргаман.  
Шу гап ҳаққи, Сизга қарши ташлайман руҳни.

## Аловиддин

Оlampanoх, күтармоқчи бўлсангиз туғни  
Боязиднинг алвон рангли чодири узра,  
Руҳни эмас, аспларни майдонга ташлаш  
Маъқул тадбир бўлғувсидир.

## Темур

Тангрим мададкор!  
Руҳни суриш фикрини у ўргатди менга.  
Аспларни қамчилайди белида кучи.  
Ғалабага ишонч ўти сўнган кимсалар,  
Эшитингиз,  
Руҳ ҳақиқат қиличидек кескир, беомон.  
Мен руҳ билан жанг қилишни севаман жуда.

## Аловиддин

Руҳингизнинг наърасига жавобим шў-да.

## Ясовул

Оlampanoх, орқадаги ёв ўрдасини  
Халқа каби ўраб олди бизнинг лашкарлар,  
Бироқ ўрда устивордир!

## Темур

Бизнинг қўлда нафтандоз деб аталгувчи бир  
Аждаҳодек ўт пуркагич яроғимиз бор.  
Бамисоли осмондан тушгандек қуюи,  
У ўт-олов пуркай бошлар замин устига.  
Ўрда томон йўналтиринг нафтандозларни.  
Ўрда чилим сархонаси каби ёнсиину  
Тамакидек тутаб кетсин тубида ёғий.

(Аловиддинга)

Аловиддин, қай йўсинда йўлимни тўсма,  
Мана энди ишга тушар саркардам фэрзин  
Ва орттдан иккинчи руҳ чиқар майдонга.  
Энди қайга қочиб боргай шўрлик қорашоҳ.

Эйди кимдан мадад кутсии ё кимга арзин  
Баён этсиң.

Аловиддин

Чиройлы мот!  
Мот!

Темур

Бу — руҳнинг иши...  
Шояд руҳлар менга мудом бўлгай мададкор.

Ясовул

Аълоҳазрат, Аълоҳазрат.  
Яхши хабар бор!  
Шу аснода Рум султони асир олинмиш!

Темур

(Ясовулга)  
Исминг недур?

Ясовул

Аълоҳазрат, исмим Қосимбек,

Темур

Қаердансан?  
Насабинг ким?

Ясовул

Мен — шаҳри Қешдан.  
Отам сизга сарбоз бўлган.  
Деҳли жангига  
Шаҳид кетган.  
*Бугун менинг ўзим сарбозман!*

Темур

Бизнинг учун ғоят қутлуғ мужда келтирдинг,  
Ўғлим, сени сийлагайман бу мужда учун.  
Иншооллоҳ, Самарқандга қайтиб борган чоғ  
Никоҳингга беражакман бир набирамни.

Ясовул

Олампаноҳ, ўлгунимча Сизга содиқман.

## Аловиддин

О, Аллоҳнинг марҳамати бунчалар кенгдир,  
Бир бандасин дақиқада қўкка кўтарди.

## Темур

Шукр, дейман, яратганга —  
Парвардигорга,  
Бироқ зафар нашидасин тортмасдан бурун  
Руҳиятим амри билан бир гап айтаман:  
Ҳеч бир шоҳнинг бошига бу қулфат тушмасин.  
Олиб киринг Боязидни!

(Боязидни оёқ-қўли боғлиқ  
ҳолда олиб киришади)

Эвоҳ, бу не ҳол?  
Оёқ-қўлин ечинг дарҳол,  
У ахир, Шоҳ-ку!  
Чумолилар хор қилишса арслон рутбасин,  
Бузилгайдир ўрмоннинг ҳам қонунияти.

(Боязидга)

Мен таассуф билдираман, тушунгин, Султон.

## Боязид

Асир бўлиб турсам ҳамки қошингда, Темур,  
Зор эмасман илтифотинг, таассуфингга.

## Темур

Оддийгина бир воқеа юз берди, ахир,  
Сен йилдирим лақабли бир қудратли чақмоқ,  
Чўнг темирга урилдингу чилпарчин бўлдинг.

## Боязид

Сен устимдан кулмоқдасан,  
Масхара қилма!  
Ботирларнинг иши эмас ётганни топташ.

## Темур

Топтамасман ва инчунун, кулмасман асло.  
Бироқ тақдир деб аталмиш буюк ҳукмдор  
Кулган экан иккимизнинг устимиздан ҳам.

## Боязид

Бу гапингни қай йўсиnda англамоқ керак?

## Темур

Мен бир лангу,  
Сен эса күр, нотавон сўқир,  
Бу дунёда бутун одам топилмагандай  
Иккимизга ер юзининг жиловин бермиш,  
Тавба қилдим,  
Тавба қилдим,  
Минг бора тавба!  
Сен билан мен не қадарли қудратга молик  
Қамчисидан қон томувчи подшоҳ бўлмайлик,  
Яратганнинг ҳузурида ожиз бандамиш.  
Алалхусус, бунга мисъ  
Сенинг қисматинг.

## Боязид

Лашкарларим сўнгги дамда хиёнат қилди,  
Бўлнишиб қочиб кетди икки тарафга.  
Афус, чора тополмади ўғилларим ҳам.

## Темур

Ўз бошингга ўзинг етдинг,  
Иқрор бўл, Султон,  
**Такаббурлик, ва манманлии ҳунаринг бўлди.**  
Ўз қавмингдан чиққан биздек Соҳибқиронга  
Кўп нолойиқ мактубларни битган бу сен-ку.  
Худо сендан юз ўғирди,  
**Лашкарларинг ҳам.**  
Қора Юсуф Жалойирдек ғанимларимнинг  
Бошин силаб, атай менинг ғашимга тегдинг.  
Ер юзининг бир бўлагин эгаллаб олиб,  
Жаҳонгирлик даъво қилиш муродинг эди.  
Ўзинг ўйла, чиқишгайми икки жаҳонгир?  
Бу оламга икки Худо кўплик қилмасми?

## Боязид

Агар менинг қилмишларим қусур саналса,  
Бунинг бари сенга ҳам хос, билиб қўй, Темур.

## Темур

Бироқ Аллоҳ йўруғидан чиқмаганман мен,  
Ва ақснинча, бу йўриқни бузган зотларнинг  
Адаблариň бериб келдим, беражакман ҳам.

## Боязид

Таҳқир қилма, мусулмонман, алҳамдулллоҳ!

### Темур

Мария деб аталмиш бир насорон қизни  
Никоҳингга олдинг, буни олам биларди.  
Шу аҳволда Оврупода ислом байроғин  
Қўттармоқчи бўлдинг,  
Ахир, мунофиқлик бу!  
Иродам шул: Оврупога ҳеч ким тегмагай,  
Сен ўйлаган ишнинг энди акси бўлажак.

## Боязид

Орупони сен билмайсан, гапирма Темур,  
Ўнғай келса, сен билан ҳам тил топишиб у  
Тулпорингга кийгизади юмшоқ юганни.

### Темур

Ана энди ҳушёр тортиб,  
Тингла, эй Султон.  
Иккимиз ҳам туркӣми?

## Боязид

Ҳа, иншооллоҳ туркий.

### Темур

Туркӣларнинг икки шоҳин гиж-гижлаб қўйиб  
Уруштириш кимга зарур бўлганин ўйла.  
Оврупонинг найранғига лаққа учдингу,  
Соҳибқирон Темурингдан юзни ўғирдинг.  
Қанча узоқ олишсалар икки паҳлавон  
Йсроф бўлар улардаги шунчалик куч ҳам  
Ва ўртада ғолиб чиқар гуж-гужлаган зот.

## Боязид

Муродингни айтгил менга.  
Ўлдирсанг — ўлдир!

### Темур

Билъакс, сени муҳофаза қилурман, Султон,  
Турк элининг ноаҳиллик тарихига сен  
Тирик тимсол сифатида яшаб юргайсан.

Хурматинг ҳам шу қадарли бўлади, қўрқма,  
Илтимосу тилагингни Сен айтсанг — дуруст.

### Б о я з и д

Вайрон қилма Румо юрти.  
Лашкарингга айт,  
Ҳеч бўлмаса турк қавмига шафқат кўрсатсин..

### Т е м у р

Урушларнинг ўз даҳшатли низомлари бор,  
Фолиб аскар юрагида жўшгайдир фуур.  
Ғанимини мағлуб ҳолда кўрар экан у,  
Хаёлига нима келса — шуни қилғайдир.  
Менга эса ҳар доимо зафар ёр бўлди.  
Балки худди шу сабабдан лашкарларимни  
Шафқатсиз деб атайдилар.  
Сабаби — зафар...  
Сен майшат ишқибози, такаббур Султон,  
Бунёдкорлик нималигин қайдан биласан.  
Мен қурдирган шаҳарларни кўрмоғинг даркор.  
Қафолатга юз бурган бу салтанатингдан  
Олиб кетгум ёлғизгина Қуръони каримни.

### Б о я з и д

Улуг Темур, мен мағлубман  
Ва лекин шу зум  
Инсон сифат, падар сифат бир гапни айтай:  
Исо, Мусо, Мустафою, Сулаймон деган  
Ўғилларим жанг қилдилар,  
Қайдадир улар?  
Аҳли аёл тақдирин ҳам номаълум менга.

### Т е м у р

Менинг ҳам бор фарзандларим Мироншоҳ, Шоҳруҳ,  
Ана улар, рўпарамнга қатор турибди.  
Самарқанддан набирамиз Муҳаммад Султон  
Лашкар билан етиб келди.

### Ҳозир у ботоб.

Ҳа, падарлик баробардир барчага, Султон.  
(Шаҳзодаларга)

Боязиднинг яқинларин топиб келингиз.

### Ш о ҳ р у ҳ

Аълоҳазрат, асир тушган Султон ҳарами.

## Боязид

Аё, Темур, мардлик қилиб, авф эт уларни.

## Мироншоҳ

Улуғ жангни кузатмоққа атайнин келган  
Ўрусия, Оврупонинг элчилари бор,  
Аълоҳазрат, қабулингиз кутар улар ҳам.

## Темур

Ҳаммасини олиб киринг.

Чодиримиз кенг.

(Элчилар, ҳарам аҳли кирадилар)

Мен — Темурман!

Хуш келибсиз, дейман.

Марҳабо!

Ўйлайманки, мамнундирсиз жанг тинганидан.  
Рум Султони ўғиллари қайси бирингиз?

## Шоҳруҳ

Аълоҳазрат, ҳозирчалик биттасин тутдик,  
Унинг исми Мусо экан.

Мана бу йигит.

## Темур

Уни дарҳол кийинтириңг Шаҳзодага хос.

## Боязид

Манов аёл Мариядир.

Бизнинг завжамиз.

Сен айтгандек, бир замонлар ислом йўриғин

Шу жувон деб бузган эдим.

Иқрор бўламан.

## Темур

Ўзинг ёзган мактубингга риоя қилсак,

Сен учун у энди талоқ,

Кўнсанг кўнмасанг!

Уни бирон насоронга ҳадя этгаймиз.

(Буқаламунни имлаб чақиради)

Никоҳингга олгил буни.

Асраб авайла.

Унинг зарра гуноҳи йўқ.

У тутқун бўлган.

## Буқаламун

Аълоҳазрат, миннатдорман. Аммо менинг ҳам  
Бир совғамни қабул қилинг.

## Темур

Нечук совға у?

## Буқаламун

(Қўйнидан буқаламунни (хамелеон) чиқаради)  
Бу — буқаламун.

## Темур

Ха, тушундим.  
Сенмисан у устаси фаранг.

## Буқаламун

Аълоҳазрат, Сиз буюрган барча юмушни  
Адо этдим.  
Неча-неча кибор элчилар  
Сизнинг улуғ ғалабага гувоҳ бўлдилар.  
**Марияни қабул этмоқ мушкулдири, Аммо,**  
Одатим бор — бир юмалаб муслим бўламан

## Темур

Бу жувонни ўз юртига қайтаринг омон  
Аёлларнинг шўри қурсин.  
Тандирдир улар.  
Энди эса тилга кирсин кўҳна Оврупо.

## Иоан Султоний

Мен Иоан Султонийман, фаранг элчиси,  
Қирол Шарл дерлар менинг ҳукмдоримни.

## Шильтбергер

Мен — Боварлар вакилиман,  
Шильтбергер номим,  
Менинг валинеъматимни Генрих дейдилар.

## Темур

Шарлми у, Генрихми у — менга барибир,  
Барчангизни атаганман фарангилар деб.  
Сизнинг ғалат исмлар ҳеч ёдимда қолмас.  
Фармоним шул:  
Етказингиз хонларингизга,

Парвардигор хоҳиши-ла омонлик бердим.  
Үнүтмангки, дўстлашмоқчи бўлса инсонлар,  
Энг аввало бир-бирларин билмоқлари шарт.  
Бу дунёни бузадиган гумон, миш-мишдир.  
Сиз ўйларсиз, Амир Темур бойликка ўч деб.  
Менга етгай бир бурда нон ҳамда қултум сув.  
Тафтиш қилиб кўринг қани бор хазинамни,  
Ортиқ ақча топармисиз.  
Сабаби — аён.  
Не орттирсам барчасини лашкарлариму  
Мамлакатнинг манфаати учун сарфладим:  
Шаҳар қурдим,  
Ариқ қаздим,  
Йўллар ўтказдим.  
Мен — Амирман, жаҳонгирам!  
Рақибларим-чи,  
Чумолидек фаҳм этурлар улкан дунёни,  
Ўзларидек майдагина манфаат учун  
Аллоҳ берган буюк баҳтни барбод қилурлар.  
Бўйин товлар ҳамкорликдан, улуғ ишлардан,  
Мен адолат ўрнатгали йўлга чиққанман.

### Ш и л ь т б е р г е р

Аълоҳазрат, Оврупони Боязиддан Сиз  
Қутқаздингиз.  
Олтин ҳайкал муносиб Сизга.

### И о а н С у л т о н и й

Худди шундоқ, аълоҳазрат.

### Т е м у р

Аҳли Оврупо!  
Мени сода осиёлик дея ўйламанг,  
Жуда яхши биламан мен муродингизни.  
Рум Султонин менга қарши гиж-тижладингиз,  
Оқибатда қутулдингиз унинг зулмидан.  
Худо ўзи инсоф берсин сенга, Оврупо.  
Олтин ҳайкал, Олтин ҳайкал.  
Хушомадми бу?  
Менинг қурган шаҳарларим — ҳайкалларимдир.  
Тағин шуни билингки, мен бутпараст эмас.  
Савдо-сотиқ деган гап ҳам бордир дунёда,  
Не-не халқлар дўстлашгайдир тижорат боис.  
Самарқандга ташриф этсин карvonларингиз.  
Ҳиндистондан Болқонгача бирор болакай

Боши узра олиб ўтса лаган марварид,  
Йиллар оша улғаяди болакай, аммо  
Бир дона ҳам тўкилмагай ўша лагандан.  
Үқдингизми, мен қандайин тартиб ўрнатдим.  
Сиз фаранглар, йигиширинг қароқчиликни,  
Бизлар каби ҳалолликка риоя айланг.  
Сизлар хочга топинасиз.  
Хоч кўриниши —  
Бамисоли Шарқу Фарбнинг қўшилувидир.  
Иншооллоҳ, мусулмонман, айтар гапим шу.  
Ҳамкор бўлсин Оврупою улуг Осиё.

### У р у с и я э л ч и с и

Аълоҳазрат, мен ўрисман, Масков тарафдан,  
Шарқу Фарбни боғлайдирган бир ҳудудданман.

### Т е м у р

Сиз улуғвор бир муҳитда яшайсиз, аммо  
Ўзингизни эплолмайсиз,  
Парокандасиз.  
Иқлимингиз ғоят совуқ, бунинг устига.  
Ўрусия тупроғидан бир карра ўтдим.  
Сизнинг Елис деб аталмиш истеҳкомингиз  
Эсда қолди.  
Баҳодирлар бордир Сизда ҳам.  
Улуғ эллар қўшни бўлиб яшар эканлар.  
Унутмасин: То қиёмат тақдирлари бир,  
Дарё тошса — оғат етгай икки ёнга ҳам.

### У р у с и я э л ч и с и

Бизни озод этдингиз Сиз Олтин Үрдадан.

### Т е м у р

Тўғрироғи — Үрдани олдим ўртадан.

### Я с о в у л

Аълоҳазрат, ташриф этмиш ўловчи карвон.  
Ҳофиз отлиғ бир элчиси қабулга келмиш.

### Т е м у р

Ҳофиз?  
Ҳофиз?  
Ким у, Ҳофиз?

## Ясовул

Шерозий эмиш.

### Темур

Наҳот ўша шоир бўлса,  
Кўрмоқчи эдим.

(Чодирдагиларга)

Миннатдорман барчангиздан  
Жаноб элчилар,  
Тилагимни етказингиз элларингизга.  
Одатимча, Самарқандга таклиф этаман.  
Сизга рухсат,  
Қол мен билан, Султон Боязид.

(Бошқалар чиқиб кетадилар Темур Боязидга:)

Ташвиш тортма,  
Сенинг ўша фарзандларингга  
Бўлиб бергум Румнинг барча вилоятларин.

### Боязид

Узимга-чи?

### Темур

Узинг эса пойтахт шаҳринг Бурсага бориб,  
Мамлакатга валинеъмат бўлиб тургайсан.  
Ишинг эса ўлпон тўлаш ва тавба қилиш,

### Боязид

Чидолмасман, чидолмасман мағлубиятга.

### Темур

Тингла, Султон!  
Подшоҳликлар алмашаберар.  
Қабулимга кирап ҳозир улуғ бир сиймо.  
Буюк шоир, Яссавийдек беназир даҳо.  
У абадий фахри бўлғай Эронзаминнинг.  
Фаҳм айлагил, музafferу мағлуб подшоҳлар  
Мангуликнинг кўзгусида нечоғ камтармиз.

### Боязид

Сени жоҳил дер эдилар.

## Темур

Асли сен жоҳил.

Кишиликтин манглайига битган шоирни  
Соҳибқирон Амир Темур қабул айлагай.  
Сен-чи, Султон, ҳарам билан овора бўлиб,  
Унугансан ҳам ҳарбниу, ҳам шеъриятни.

(Ясовулга)

Боязидни кузатингиз,  
Хурматин қилинг.  
Шеър Султони кирсин энди қабулимизга.  
Шерозийни таклиф этинг.

(Хофиз Шерозий киради)

## Хофиз

(Таъзим ила)

Ассалом, амир!

## Темур

Сиз, Ҳофизми?  
Шерозийми?  
Уша шоирми?  
Бунча озғин,  
Бунча ноҷор,  
Бунчалар юпун.  
Нима билан исботлайсиз ўзлигингизни?

## Хофиз

Қора Юсуф деб аталмиш сур бир қароқчи.  
Карвонларни талар экан Макка йўлида.  
~~Бизни ундан кутказишди сарбозларингиз.~~  
Элчи бўлиб келдим Сизга раҳмат айтгали.

## Темур

Қора Юсуф!

Қора Юсуф!

Азал душманим.

Ундейларга паноҳ берган Боязидни мен

Тор-мор этдим.

Қўрқасинлар энди ҳожилар.

### Хофиз

Энди мен ҳам ишондим, ҳа, Темур экансиз,  
Шоир эса ўзлигини исботлаш учун  
Шеърларидан бўлак бирор ашъё тополмас.  
— Агар он турки Шерозий ба даст орад, дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

### Темур

— Агар кўнглумни шод этса ўшал Шероз жонони  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони,  
Шундоқми?

### Хофиз

Ҳа, афсуски, шундоқ.  
Ушбу байтим учун балки дорга тортгайсиз,  
Демак, қисмат исбот қилур Ҳофизлигимни.

### Темур

Самарқанду Бухоро деб дунёни олдим,  
Бир хол учун Сиз уларни ҳадя этмишсиз.  
Шунчаликми?

### Хофиз

Ҳазрат, ахир кўриб турибсиз,  
**Бисотимни** гўзалларга улаша бериб  
Шундоқ ҳолга тушиб қолдим,  
Ночор, юпунман.  
Оқибатда мажбур бўлиб, битта хол учун  
Дунёдаги энг бетакрор икки шаҳарни —  
Самарқанду Бухорони ҳадя этганман.

### Темур

(Қаҳ-қаҳ уриб)

Ширин хаёл бандаси Сиз,  
Эҳ, Сиз, шоирлар,  
Мен ростини айтсам агар, ёр холи учун  
Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.  
Гапнинг асл индаллосин эшиting энди:  
Бизнинг улуғ шаҳарларни баҳолаш учун  
Бундан ортиқ ташбеҳ бўлмас, тасанно Сизга.  
Энди бир байт ҳадя қилсин Сизга Темур ҳам:  
— Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,  
Қайта бошдан забт этардим Эрон ерини.

## Ҳ о ф и з

Минг ташаккур, аълоҳазрат, лутфингиз учун,  
Аммо у пайт, биронта байт айтмасдим, узр.

## Ҳ о ф и з

Бу мушкулни тангри ўзи ҳал этди осон.  
Ҳофиз билан суҳбатдошман бежанг, бекурол.  
Самарқанду Бухорога ташриф буюринг.  
Улуғ зотлар яшаб ўтган у жойларда ҳам.  
Яссавийни эшитгансиз?

## Ҳ о ф и з

Султон ул Орифийн,  
Туркистонлик авлиёдир.  
Соҳиб ҳикматдир.

## Т е м у р

Шоир аҳли куйласа бас икки жиҳатни:  
Яссавийдек ҳикматларин ёссиналар ёки  
Ёр жамолин васф этсиналар Сиздек, Ҳофиздек.  
Сиёсатга аралашиб ҳазрат Фирдавсий,  
Шул сабабли, жаҳли чиққан Маҳмуд Фазнавий,  
Фирдавсийга арзигулик олтинни эмас.  
Ҳадя қилмиш бир кажава кумуш тангани.  
Лекин шоир байтларида жаннат иси бор,  
**Икки олам шавкати бор достониариди.**

## Ҳ о ф и з

Шеърияту илму фанга Сиз каби жўмард,  
Олий ҳиммат ҳомий берсин доим Аллоҳим.  
Ана шунда гуллаб яшнар Эронзамин ҳам,  
Ана шунда чарақлагай Турон ҳам абад.

## Т е м у р

(Қарс уради. Мулозим киради)

Сиз шоирнинг елкасига зарбоф тўн ёпинг,  
От миндиринг,  
Илҳомидек учқур, саман от.  
Карвонини кузатингиз манзилигача.  
Инъом беринг, икки шаҳар хирожи қадар.

(Ҳофизга)

Хайр, устоз!

## Х о ф и з

Хайр, Амир!  
Аллоҳ ёр бўлсин!

## Я с о в у л

Аълоҳазрат, Самарқанддан чопар бор.

## Т е м у р

Кирсин.

(Чопар киради)

Хўш, омонми ёру дўстлар, доруссалтанат?

## Ч о п а р

Бари омон!  
Эрта-ю кеч фахру ғуур-ла,  
Ҳаққингизга дуо қилиб яшар Самарқанд.  
Сизни буюк зафар билан қутламоқ учун  
Мунтазирдир йўлингизга катта-ю кичик.

## Т е м у р

Қандай хабар келтирмишсан?

## Ч о п а р

Хитойдан мактуб.  
Чин фағурин элчилари олиб келмишлар.

## Т е м у р

(Чопарга)

Сен озодсан.

(Мактубни ўқий бошлийди)

Бу қандайин қабоҳатким, Чин ҳукмдори  
Биздан ўлпон талаб қилмиш!  
Сурбет, муттаҳам!  
Бир замонлар Шарқ ва Шимол узра ястанган  
Туркийларнинг худудларин забт этди улар.  
Ҳатто Шошнинг тоғларидан маъдан конларин  
Хонбалиққа ташиб кетди, еб тўймас юҳо.  
Мўғулларнинг даштларин ҳам олдилар босиб.  
Оёқости қилди қанча мусулмонларни.  
Мен дунёнинг teng ярмини фатҳ этибману,  
Кенжা фарзанд эмишман у Осмон ўғлига.  
Тавба қилдим!  
Мантиқ қани?

Адолат қани?

Мен уларни ўрнатгумдир Хитой ерида.  
Ераб, қандоқ яратгансан кажрав фалакни.  
Мени кимдир айблайди-ю, мен эса кимни...  
Хали Миср тупроғида қылар ишим бор,  
Тинчтимофим керак ҳали ўжар Қоғозни.  
Иншооллоҳ барчасини удалайдурман,  
Лекин шу зум нетмоқ керак?

(Ясовул киради)

Яsovул

Оlampanoҳ, шошилинч хабар.

Темур

Тағин не гап?

Яsovул

Бандаликни бажо қилмиш Султон Боязид.

Темур

(Фотиҳага қўл тортиб)

Худо уни раҳмат қилсин.

Улим муқаррап.

(Яsovулга)

Етқазингиз, амирлару шаҳзодаларга,  
Таъзияга кечикмасдан етиб боргаймиз.

(Яsovул чиқади)

Ғалати бир ҳикмат бордир бу ҳодисада,  
Иродасиз бўлар демак такаббур одам.  
Такаббурнинг қуролидир демак ўжарлик.  
Маглубият юкини у кўтаролмабди.

Султонга хос ҳурматини қилгумдир лекин,

Яsovул

Оlampanoҳ, чопар келди Қора Ҳисордан.

Темур

Кирсин дарҳол!

Тинчлик бўлсин илойим, бу гал.

(Чопар киради)

Саломатми амирзода Муҳаммад Султон?

Ч о п а р

Олампаноҳ минг афсуски...

Т е м у р

Тирикми ўзи?

Ч о п а р

Умрлари узоқ бўлсин, амирзодамиз  
Бетоб эрур, хийлагина бетоб ва лекин.

Т е м у р

(Ясовулга)

Сен кетабер.

Етиб боргум.

У bemор эди.

Зора юмшоқ об-ҳавоси шифо бўлар деб,

Қора Ҳисор томонларга жўнатган эдим.

Ў суюкли набирамдир, Валиаҳдимдир.

Аллоҳ менга қаҳр ҳиссин қанча мўл берса,

Юрагимга ўшанчалик меҳр ҳам солмиш.

Мени енгса — меҳр ҳисси енгар оламда.

Азиз ўғлим Жаҳонгирдан айрилган чоғим

Фарёд солдим:

Тожу тахтни олгину, Худо,

Болаларим жонларини менга қолдир, деб.

Жаҳонгирдан набирам шул — Муҳаммад Султон.

Наҳот унинг ҳаёти ҳам энди муаллақ.

Бу тахт нима?

Нима ўзи соҳибқиронлик?

Қуршаб олди бир-биридан нохуш хабарлар.

Қўлга олгин ўзингни эй, Темур Тарагай,

Барча ишга улгурмоғинг, енгмоқлигинг шарт.

(Қарс уради)

Кунўғлонга эгар уринг!

Отни ҳозирланг!

Парда

## МУНДАРИЖА

Тириклик . . . . .	3
Хатоларинг керак уларга . . . . .	4
Дунё . . . . .	4
<b>Хотира</b> . . . . .	<b>5</b>
Қайсар бола . . . . .	6
Армон эмасми . . . . .	6
Дил оғриғи . . . . .	7
Темур . . . . .	8
Виждон . . . . .	9
Мен кимга суюнгум . . . . .	10
«Умр дуч қиларкан...» . . . . .	11
Эслаш . . . . .	11
<b>Ибодат</b> . . . . .	<b>12</b>
Инсон . . . . .	12
Она , . . . . .	12
Тавба . . . . .	13
Бандага сиғинма . . . . .	13
Шоҳ ва гадо . . . . .	14
Риоя . . . . .	14
Савоб . . . . .	14
Хожа ва шоир . . . . .	15
Сен каби . . . . .	15
Онамга хат . . . . .	15
Онамни эслаб . . . . .	16
Она деган ном . . . . .	17
Хар қандай дамда ҳам . . . . .	17
<b>Кўнгил</b> . . . . .	<b>17</b>
<b>Утинч</b> . . . . .	<b>18</b>
Узлат . . . . .	19
Шайтон . . . . .	19
Умр . . . . .	21
Бегоналиқ . . . . .	22
Хасрат . . . . .	22
Хожилар . . . . .	23
«Эҳром кийиб олган...» . . . . .	23
«Кезиб бу шаҳарни...» . . . . .	23
Истиқлол қўшиғи . . . . .	24
Дорилфунуним . . . . .	24
Сен баҳорни соғинмадингми? . . . . .	25
Мен нечун севаман Узбекистонни? . . . . .	25
Улрайиш . . . . .	26
Табиат . . . . .	27
Ёзажакман . . . . .	28
Юртим шамоли . . . . .	29
Кутлов . . . . .	29
«Келдим қошингизга чопиб...» . . . . .	30
	31

«Болалик йилларим...»	31
Икки сония	32
Йиллар армони	32
Изҳор	33
Онажоним шеърият	33
Дунёни қизғанма	36
Ишонч	36
Оломонга	37
Қонуинят	37
Сиздан нима кетди	38
Шоирға Зулфия оламизга	38
Соҳибқирон	39

*Адабий-бадиий нашр*

**Абдулла Орипов**

**ИБОДАТ**

Шеърлар, шеърний драмадан парча

Тўпловчи **муҳаррир Бобоқул Тошев**

Мусаввир **Ю. Габзалилов**

Муҳаррир **Ф. Камолова**

Техн. муҳаррир **У. Қим**

Мусаҳҳиҳ **М. Хўжаева**

Босмахонага **7.06.96** да берилди. **7.06.96** да босинга руҳсат этилди: Формати  $84 \times 108^{1/32}$ . Юқори босма. Шартли б. табори 3,36. Нашр табори 3,03. Нусхаси 5000. 4538 буюртма. Баҳоси шартнома асосида. Шартнома № 102—96.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-хонасида босилди. 700002, Тошкент, Сафрон кўчаси, 1-берк кўча.

**Орипов, Абдулла.**

Ибодат: Шеърлар, шеърий драмадан парча. — Т.: Езувчи, 1996.—64 б.

Узбекистон халқ шоирини Абдулла Ориповнинг янги тўплами, ботин сирлари, зоҳирдаги олам талвасалари, инсон ва замон муроҷадалари ҳақида. Шеърларнинг хикматона йўсими, заъворли оҳангига нафис муносабат уйғотади. Тўпламнинг тез, завқу шавқ ила ўқилишини таъминлайди.



3 330000 286928

10248

АБДУЛЛА  
ОРИПОВ

*Ибодат*



ЕЗУВЧИ